



Entities of public oversight over the administrative activities of Internal Affairs Agencies

Jalynbek TOKHSABINOV¹

Karakalpak State University named after Berdakh

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2025
Received in revised form
15 April 2025
Accepted 25 April 2025
Available online
25 May 2025

Keywords:

internal affairs bodies,
administrative activities,
direct and indirect
cooperation,
public oversight,
public councils.

ABSTRACT

Currently, the interaction between law enforcement agencies, including internal affairs bodies, and civil society institutions, as well as the improvement of mechanisms for legal regulation of their relations, is gaining increasing relevance. The article analyzes the subjects and powers of public oversight over the administrative activities of internal affairs bodies. At the same time, including public oversight of compliance with legislative requirements in internal affairs bodies' activities among the powers of public councils created within these bodies necessitates the full implementation of mechanisms for conducting public oversight.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss4/S-pp 239-246>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг субъектлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ички ишлар органлари,
маъмурий фаолият,
бевосита ва билвосита
ҳамкорлик,
жамоатчилик назорати,
жамоатчилик кенгашлари.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш ва улар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Мақолада ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг субъектлари, ваколатлари таҳлили қилинган. Шу билан бирга, ИИОларида ташкил этилган жамоатчилик кенгашларининг ваколатлари қаторига ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгиланганлиги жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари тўлақонли жорий этишни тақозо этмоқда.

¹ Independent Researcher, Karakalpak State University named after Berdakh. E-mail: djalinivanovich80@mail.com

Субъекты общественного контроля над административной деятельностью органов внутренних дел

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

органы внутренних дел, административная деятельность, прямое и косвенное сотрудничество, общественный контроль, общественные советы.

В настоящее время особую актуальность приобретает взаимодействие правоохранительных органов, в том числе органов внутренних дел, с институтами гражданского общества, а также совершенствование механизмов правового регулирования их взаимных отношений. В статье анализируются субъекты и полномочия общественного контроля за административной деятельностью органов внутренних дел. Вместе с тем включение в полномочия общественных советов, созданных при органах внутренних дел, функции осуществления контроля за соблюдением требований законодательства в их деятельности требует полноценного внедрения эффективных механизмов общественного контроля.

Жамоатчилик назорати ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиси эканлиги шубҳасиз. Бу, авваламбор, жамоатчиликнинг давлат бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок этиш имкониятининг давлат томонидан яратилиб берилишида намоён бўлади. Шу боис, ҳар қандай давлат органи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган каби ички ишлар органлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги бевосита ва билвосита амалга оширади. Бевосита ҳамкорлик муносабатларда тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширилади. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан давлат органига тўғридан-тўғри мурожаати, сўровномалар юбориши ёки ҳамкорликка оид ҳужжатлар доирасида ишларни амалга ошириш шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига асосланган рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, охириги уч йил, яъни 2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф)лар сони 1 млн 60 мингга ташкил қилган бўлса, шундан энг кўп мурожаат 2023 йилда бўлганлиги, яъни 367 мингга ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Келиб тушган мурожаатларнинг сифатига қарайдиган бўлсак, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан келиб тушаётган мурожаатлар сони сўнги уч йил ичида 3500дан сал ошгани эътиборга молик[1]. Ушбу мурожаатларнинг аксарияти инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, сўнги йиллари адвокатлик тузилмалардан келиб тушаётган сўровномаларнинг сони кўпаётганини кузатишимиз мумкин.

Бевосита ҳамкорлик доирасида таҳлил қилинган ушбу рақамларнинг ҳаммаси ҳам ички ишлар органлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик кўринишини бермайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлардан келиб тушган мурожаатлар фаолият йўналишига қараб ҳамкорлик келишувлар ва меморандумлар, қонунчилик ҳужжатларига таклифлар кўринишида лойиҳаларни амалга ошириш ташаббускорлари сифатида намоён бўлмоқда.

Билвосита ҳамкорлик вертикал муносабатларни вужудга келтиради, бунда давлат органи ўзи ташкил қилган субъект орқали жамоатчилик билан ҳамкорликни амалга оширади. Масалан, давлат органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органлари шулар жумласидан. Одатда бундай коллегиал органларга ўз соҳасининг етук олимлари, фахрийлари, камида 50 фоизи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида иборат бўлади.

Ички ишлар органлари фуқаролик жамияти институтларининг барча турлари билан ҳамкорлик қиладими деган ўринли савол пайдо бўлади. Назарий жиҳатдан, жамоатчилик назоратида қонунда ваколат берган барча субъектлар ушбу имкониятдан фойдаланади. Бу авваламбор, ички ишлар органларининг демократик жараёнлардаги ўрнини кўрсатиб беради. Бу борада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган полиция фаолиятининг демократик асослари бўйича қўлланмада полиция ўз фаолиятини жамоатчилик билан келишув орқали юритишини ушбу хизматнинг марказий демократик хусусиятларидан ҳисобланиши кўрсатилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Ушбу қўлланма полиция фаолиятининг ҳар бир қадамиди фуқароларнинг розилиги билан амалга оширишни назарда тутмайди, бироқ, жамоатчилик уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга олиб келиши зарур. Жамоатчилик қўллаб-қувватлаши учун жамоатчилик ва полиция ўртасида мулоқот ва ўзаро тушуниш ҳамда ҳурмат бўлиши лозимлиги таъкидланган[2]. Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ соҳасида жамоатчилик назоратининг ўрнини тадқиқ қилган олимларнинг фикрича, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари фуқароларнинг иштирокисиз самара бермаслиги мумкин, чунки инсонларнинг ҳуқуқ ва шахс эркинлигини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатини суд томонидан амалга ошириш, жамиятда вужудга келган низолар ва манфаатлар тўқнашуви қонуний ва адолатли ҳал қилишга хизмат қилиш мазкур ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу борада, одил судлов жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади[3].

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда жамоатчилик назорати ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун муҳим элемент ҳисобланади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлаш учун кўприк вазифани бажарувчи оммавий ахборот воситалари орқали ҳам амалга оширишни йўлга қўйди.

Шу ўринда, М.А. Тиллабаев ўз тадқиқотида жамоатчилик назорати субъектлари қаторига “жамоатчилик инспектор”, “жамоатчилик кузатувчи”, “жамоатчилик комиссия” кабиларни жорий этишни[4] таклиф этмоқда. Жамоатчилик назоратининг мазкур иштирокчиларининг жамоатчилик назорати, халқ назорати, давлат назорати институтларидаги ўрни ва субъект сифатида қайси белгилари билан кўпроқ тааллуқлилиги масаласи назарияда қатор баҳсларга олиб келган. Хусусан, рус олимлари “жамоатчилик инспектори”ни “халқ назорати қўмитаси” фаолияти билан ўзаро фарқини ажратишга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, иккита субъект ҳам РФнинг ҳуқуқий тизимида ҳар хил даврларда ўз

ўрнига эга бўлган. Совет даврида фаолиятини фаол амалга оширган “халқ назорати қўмитаси”, “халқ дружиналари” совет тузумининг ғояларини ҳимоя қилувчи сиёсий тузилма сифатида “ҳокимият” ваколатларига эга бўлган[5], яъни давлат ва жамоат ғояларининг синкретизми (ажралмаганлиги)ни акс этган[6]. Айрим олимлар жамоатчилик инспекторларни жамоатчилик назорати институти тизимида ўрнини кўрган ҳолда, улар жисмоний ва юридик шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар, шулар жумласидан) фаолиятини назорат қилишини таъкидламоқда[7]. Бундай ҳолда, фуқаролик назорати – жамоатчилик назоратининг бир қисми, жамоатчилик инспекторларининг махсус функцияси жамоатчилик назоратининг алоҳида шаклига тааллуқли хусусиятларни акс этади.

РФнинг қонунчилик ҳужжатларида жамоатчилик назорати институти қатор федерал қонунлар билан тартибга солинган. Мазкур институтнинг субъектлари қаторида “жамоатчилик инспекциялари” ўрин эгаллаган. Жамоатчилик инспекциялари ва жамоатчилик назорати гуруҳлари қонунчиликка риоя этилишига қўмаклашиш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муносабатларнинг айрим соҳаларида жамоатчилик манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга оширади, уларнинг ваколатига нисбатан жамоатчилик назорати амалга оширилаётган органлар ва (ёки) ташкилотлар фаолияти устидан давлат назоратини (назоратини) ёки муниципал назоратни амалга ошириш киради[8]. Демак, жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти белгиланган экан, у билвосита субъект сифатида фақат гуруҳлар таркибида фаолиятни амалга оширади.

Миллий қонунчилигимизга жамоатчилик назоратининг мазкур субъектнинг киритилиши бошқа билвосита субъектлар, жумладан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашидан функция жиҳатидан фарқи кўринмайди. Назаримизда, жамоатчилик инспекторлари жамоатчилик назоратининг объектларини янада кенгайиш эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади. Ушбу субъектларни ички ишлар органлари билан бевосита ҳамкорликка киришадиган субъектлар қаторига киритишимиз мумкин.

Шу билан бирга, билвосита ҳамкорлик доирасида жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган жамоатчилик кенгашлари шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган давр ичида мустақил фуқаролик институтларининг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга

қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият юритишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили, шунингдек, фуқаролар билан ташкил этилаётган учрашувлар натижалари давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, биринчидан, давлат органлари ва фуқаролар ўртасида боғлаб турувчи мулоқот “кўприги”нинг йўқлиги, иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларига масъулиятсизлик билан ёндашиши, учинчидан, фуқароларда давлат органлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятининг йўқлиги, тўртинчидан, давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятининг етарли даражада эмаслиги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этмаслик, муаммоларнинг ечимсиз қолиши, халқнинг давлат органларига бўлган ишончи пасайиши ва умуман олганда давлат ва халқ ўртасида “мулоқот майдони”ни шакллантиришга тўсқинлик пайдо бўлишига ва жамоатчилик назоратининг кутилаётган натижаларни бермаётганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келмоқда. БМТнинг Ривожланиш дастури томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида ўтказилган 2018 йил март ойида республикамизнинг қатор ҳудудларида давлат хизматчилари ва фаол аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 56 фоизи “жамоатчилик вакиллари ҳукуматга етарли даражада жалб этилмаган” деб ҳисоблаши ва 2018 йилдан бошлаб бу соҳада барча давлат тузилмалари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик кенгашлари муҳим роль ўйнаганлиги[9] таъкидланмоқда.

Бунинг боиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ–3837-сон қарори билан ҳар бир давлат органи, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос ҳамда жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари белгилаб берилди[10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимли равишда амалга ошириш ва жамоатчилик билан ҳамжиҳатлик руҳида ишлашни таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур жамоатчилик кенгашлар фаолиятининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ички ишлар вазирининг махсус буйруғи билан тартибга солинган. Мазкур ички идоравий ҳужжатда ИИОларида ташкил этилган жамоатчилик кенгашларининг ваколатлари қаторига ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгиланган. Бироқ, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари тўлақонли жорий этилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Ички ишлар вазирининг 2023 йил 11 мартдаги 122-сон буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомнинг 7-бандида жамоатчилик кенгашларининг ҳуқуқлари[11] берилган бўлиб, унда жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган жамоатчилик назорати шакллариининг ярмини қамраб олган, холос. Хусусан, ички ишлар органларидан ўз вазифалари доирасида жамоатчилик билан боғлиқ ҳужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқи орқали жамоатчилик назоратининг “давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар” шаклида, ички ишлар органлари томонидан ташкил этиладиган очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқлари орқали жамоатчилик назоратининг “давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш” шаклида, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан боғлиқ норма ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш орқали жамоатчилик назоратининг “жамоатчилик муҳокамаси” шаклида амалга ошириш белгиланган.

Шу билан бирга, жамоатчилик назоратининг жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш каби шакллари орқали амалга ошириш механизмлари ўз аксини топмаган.

Мазкур тадқиқот иши жараёнида Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг уч йиллик фаолиятини ўрганиш таҳлили кенгаш йиғилишлари баёнларида акс этилган маълумотлар кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун принциплари ва вазифаларига мос ахборотлар ўз аксини топганини кўрсатмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил 26 январда ўтказилган йиғилишида ИИБ Ахборот хизмати ва унинг қўйи хизматлари томонидан ОАВ ва интернет тармоқларда ички ишлар органлари фаолиятига оид жами 161 690 та ахборот тарқатилганлиги, хорижий ОАВда Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ 94 та ахборот эълон қилинганлиги ҳақида маълум бўлган[12]. Бу ишлар йилига икки марта ишлаб чиқилиб, тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан амалга оширилади.

Назаримизда, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини унинг тўлиқ шаклларида амалга ошириш имкониятларининг чекланганлиги авваламбор, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари аниқ белгиланмаганлигида деб ҳисоблаймиз.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, мазкур Қонуннинг 45-моддасида фуқароларнинг ички ишлар органларига ишончини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва жамоатчилик

назоратини қўллашга шароит яратишига оид норма киритиш, шунингдек, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузиш ваколатларини қонун даражасида белгилаш ҳамда жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган шаклларино инобатга олган ҳолда жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармасининг маълумотлари.
2. Руководство по демократическим основам полицейской деятельности. Вена, май, 2008, 2-издание. Публикация Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе. 48-бет.
3. Тиллабаев М.А. Международные и национальные контрольные органы по правам человека. Монография. /Отв. ред. академик А.Х. Саидов. - Т.: Lesson press, 2020. – 168-бет.
4. Ўша жойда. 170-бет.
5. Либанова С.Э. Общественный контроль (надзор) как форма реализации конституционных прав человека // Российское право: образование, практика, наука. 2015. № 1. 33-38-бетлар.
6. Хачатрян М.С. Общественный контроль в Российской Федерации и народный контроль в СССР: сравнительно-правовой анализ моделей // Историко-правовые проблемы: новый ракурс. 2015. № 11. 115-125-бетлар
7. Мирошниченко О.Н., Иванов А.А. Современные российские исследования об общественном контроле: краткий обзор // Вестник Чебоксарского филиала Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ. 2016. № 1. 14-18-бетлар.
8. “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги 2014 йил 21 июлдаги № 212-ФҚ Федерал қонуни // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW
9. “Mahalliy davlat hokimiyati organlarida jamoatchilik kengashlari faoliyati: milliy va xorijiy tajriba” mavzusida tahliliy hisobotlar taqdimoti // <https://www.undp.org/uz/uzbekistan/press-releases/mahalliy-davlat-hokimiyati-organlarida-jamoatchilik-kengashlari-faoliyati-milliy-va-xorijiy-tajriba-mavzusida-tahliliy>
10. Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом // <https://lex.uz/ru/docs/3808838>
11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 11 мартдаги “Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 122-сон буйруғи.

12. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил фаолият якуни буйича хисоботи // <https://gov.uz/uz/iiv/pages/iiv-huzuridagi-jamoatchilik-kengashi>